



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 155 (11.716)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



Мустақиллик йилларида ҳар бир ўтаётган кунларимиз ўнлаб йилларга татигулик эканлигини эришаётган муваффақиятларимиз ёрқин исботлаб турибди. Жумладан, ҳамзаликлар ҳам ҳар бир соҳада амалга ошириладиган ислохотларга муҳим ҳисса қўшиб, шахдам одимлашмоқда. Санокли кунлар қолган Истиқлол айёми тайёргарлиги ҳам қизғин паллада.



Орзиқиб қутилган катта шодидёгани туманда аввало ободлик, кўркамликка эътибор қаратган ҳолда нишонлаш эзгу ниёт қилинган. 3366 гектар ҳудудга эга бўлган тумanning ҳар бир гўшасида таралдув авжида. Ёшу қари айёмни ёруғ юз билан кутиб олишга бел боғлаган. Ўтказилаётган байрамолди тадбирларида Истиқлолимиз гурури ва шарафи ҳукмрон. Мустақиллик иншоотларини фойдаланишга топшириш энг муҳим ишлар қаторидан ўрин олган. Тошкент меҳмонхона хўжалиги коллежи, «Янгиобод» тантаналар уйи, шу номдаги сув ҳавзаси, бошқа иншоотлар бунга ёрқин мисолдир. 53 та маҳалла кўчалари, хонадонлари ва оилаларида кўркамлик ҳамда орасталикка эътибор қаратилган.

ҲАМЗА ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК ОДИМЛАРИ

Туман иқтисодиёти ривожига ўнлаб йирик корхоналар, 2,6 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари хусусида тўхталадиган бўлсак, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 281,7 миллиард сўмни ташкил этган. Пудрат ишлари ҳажми 45,4 миллиард сўмга етиб, ўсиш суръати 135,7 фоизни ташкил этмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 23 та лойиҳа бўйича белгиланган кўрсаткичлар тўлиқ бажарилган. Мазкур дастурга киритилган корхоналар томонидан 43,1 миллиард сўмлик им-

порт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланган. Туман миқёсида 4643 та янги иш ўрни яратилган. 868 та кўп қаватли уйлар, 186 та хусусий уй жой мулкдорлари ширкатларига бирлашган. Уч мингдан зиёд кириш йўлакларини таъмирлаш, тартибга келтириш, ҳовлиларни ободонлаштириш ишлари режа асосида бажарилди. 15349 та яқка тартибдаги хонадонларда ҳам кўркамлик ва ободлик йўлида хашарлар уюштирилди. Саломатлик — туман бойлик нақлига амал қилган ҳолда фаолият кўрсатаётган марказий ҳамда олтига оилавий поликлиникалар,

учта шифохона, олтига тиббиёт-санитария қисми, иккитадан диспансер ва диагностика марказларида аҳоли саломатлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ишлари замонавий технологиялар асосида юритилмоқда. Албатта, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, фарзандлар маънавиятини юксалтириш, касб-хунар эгаллаб, етук мутахассис бўлиб етиштиришга эришишда олтига касб-хунар коллежи, иккита академик лицей, 29 та мактаб педагоги жамоасининг ҳиссаси катта. Шунингдек, спорт мактаби, 42 та мактабга таълим муассасаси, тўртта мактабдан та-

шқари муассаса, учта катталар учун ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда. Маданият, спорт масканлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари бугунги кун талабларига жавоб бериб, уларда аҳоли учун барча қулайликлар яратилмоқда. Яратувчанлик ишқи билан дадил одимлаётган ҳамзаликлар ҳар бир жабҳада муваффақиятни таъминлаш, байрамни ёруғ юз билан қаршилаш учун имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Улар «Тўйга тўёна билан» деган халқимизнинг доно иборасини кўнгилларига жо айлаган ва ана шу яхши ниёт ҳар бир қадамларида ҳамқору ҳамнафас. (Ҳамза туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

2010 йил 10 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисини шу йил 28 августда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти мамлакатда амалга ошириладиган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг эҳтиёжлари ва жараёнлари билан узвий боғлиқ. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилиш ва демократлаштиришда, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши керак бўлган қонунлар ва масалалар муҳофизат қилинади.

Чунончи, Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига давлат қурилиши ва бошқарув соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген хусусиятлари фавқулодда вазиятлардан муҳофизат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

публикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Бўлажак ялпи мажлисида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунларни, чунончи: «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги, «Баҳолаш фао-

лияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам қўриб чиқиш тақлиф қилинди. Ялпи мажлисда суд-ҳуқуқ тизими-га доир қонунлар ҳам муҳофизат қилинади. Хусусан, «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгариш киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳофизат қилинади. Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг учинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган.

КАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, МАҲАЛЛАМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 июлда қабул қилинган фармойишига мувофиқ август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинди, 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия хашари ўтказилиши белгиланган.

Айни пайтда давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳузурда умумхалқ хайрия хашарини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилди. Мазкур гуруҳдан олинган маълумотларга кўра, юртдошларимиз ободонлаштириш ва тозалик ойлигида фаол иштирок этмоқда. Тадбирнинг дастлабки ҳафтасида тўққиз юз минг нафардан зиёд аҳоли бундай ишларга ўз ҳиссасини қўшди. (Давоми 2-бетда).

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **МЕҲНАТ** ва аҳолини ижтимоий муҳофизат қилиш бош бошқармасида мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда аҳолининг банд бўлмаган қатлами, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар муҳофизат қилинди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданият марказида миллий маданият марказлари вакиллари иштирокида юртимиз Истиқлолнинг 19 йиллик байрамини муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Чимбой» маҳалласида сузиш ҳавзаси очилди. Мустақиллик байрами арафасида яна иккита шундай иншоотнинг фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги Юсуф Саққокий номи маҳаллада Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида кенг даврада маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Бадий академия, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танловнинг вилоят босқичида журналистлар, рассомлар, шоир ва ёзувчилардан иборат 60 нафар ишхондор қатнашди.

• Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида қарашли соғломлаштириш марказида «Барқамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёш журналистлар учун «Келажак овози» ёшлар медиа оромгоҳи ташкил этилди. Мазкур оромгоҳда ёшлар телестудиялари, худудий телерадиоканалларнинг юздан ортиқ ёш журналистлари иштирок этмоқда.

• Термиз шаҳрида «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда Термиз шаҳри ва туманлардан ўн уч моҳир дўппидўз ҳамда уларнинг шогирдлари ўзаро беллашди. Иштирокчилар дўппидўзлик бўйича маҳоратларини намойиш этиш асносида ўзбек дўппиларининг ўзига хос жиҳатларини, хусусиятларини таърифлаб бердилар.

• Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Адлия вазирлиги ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш мақсадида бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда жойларда адлия идоралари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар, жамият олдида турган ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасидаги вазифалар ҳамда «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.

• Фарғона вилоятида асарларчиликни ривожлантириш истиқболли стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳага кўра қўшимча равишда 25 та хусусий ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилади, маҳаллий тижорат банкири бўлгуси асарларчиларга 50 миллион сўмлик миқдорда молиявий ёрдам кўрсатади.

ЖАҲОНДА

• Кеча Колумбиядаги Санта-Марта шаҳрида Колумбия ва Венесуэла президентлари Хуан Мануэл Сантос ва Уго Чавеслар учрашди. Учрашув давомида томонлар жорий йилнинг 22 июлдан узилган дипломатик алоқаларни тиклашга келишиб олдилар. Мулоқот чоғида Венесуэла президенти Уго Чавес ўз мамлакатини худудига Колумбиянинг ноқонуний куролли гуруҳларини киритмаслигини таъкидлади.

• БМТ экспертлари Покистондаги сув тошқинларидан жабрланган 6 миллион киши зудлик билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилишига муҳтож эканлиги тўғрисидаги ҳулосага келишди. Бугун БМТ донор мамлакатларга Покистонга кўмаклашишни сўраб расман мурожаат этади.

• Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Мисрда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида қишки вақтга ўтилди.

• Филиппиннинг жанубий қисмида айирмачи гуруҳлар ўртасида куролли тўқнашулар юз бериши муносабати билан яқин атрафда жойлашган қишлоқларнинг 5 мингга яқин аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилди.

• Португалия шимолидаги ўрмон ёнғинларини ўчириш чоғида икки нафар ўт ўчирувчи ҳаётдан кўз юмди.

• Кеча Ироқнинг йирик Киркук-Жайхун нефть ўтказкичининг Туркиянинг жануби-шарқий қисмидан ўтган ерида портлаш содир этилиб, кучли ёнғин чиқши натижасида икки киши ҳалок бўлди, битта одам тан жароҳатини олди. Туркия маъмурилари ушбу воқеани теракт сифатида баҳолаб, уни қурд ишчи партияси айирмачилари амалга оширганлигини таъкидлашмоқда.

• Ер шарининг глобал иссиши боис Гренландия музликларидан улкан айсберг ажралди чиқди. Музтоғнинг майдони 260 квадрат километри ташкил этиб, қалинлиги 50 метрдан иборат. Арктика худудида бундай улкан музлик кўчкиси сўнги 50 йилдан бери қайд этилмаган экан.



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- «Кўйлик асфальт-бетон заводи» масъулияти чекланган жамияти томонидан яқка тартибда таълим олувчи 10 нафар ўқувчига компьютер ажратилди.
- «Янгиобод» сув ҳавзаси капитал таъмирланиб, бу ишларга 350 миллион сўм маблағ сарфланди.
- Туманда 605 та кам таъминланган оилада тарбияланаётган ўқувчи қизлар мунтазам спорт билан шуғулланиши учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 450 та махсус кийим, 76 та стол тенниси тўплами, 25 та баскетбол тўпи берилди.
- 30-мактабда «Жисмоний баркамоллик – гўзаллик рамзи» шиори остида қизлар ўртасида бадий гимнастика, шахмат-шашка, стол тенниси ва мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилди.
- Туманда жорий йилнинг олти ойи давомида 42,5 мингдан кўп туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди.
- Баркамол авлод йилининг ўтган олти ойи давомида туманда ёшлар учун 2739 та қўшимча иш ўрни яратилди.
- 2010 йилнинг ўтган даврида 253 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари «Нуронийлар оромгоҳи», «Торқоқсой», «Олтиариқ», «Косонсой», «Маржон сув» каби сийҳатгоҳларга йўланма билан таъминланди.
- «Янги давр» маҳалласида истиқомат қилувчи Мамажонлар оиласи Халқаро оила куни муносабати ўтказилган кўрик-танловда ибратли номга сазовор бўлди.
- «Lok Kolor Sintes» қўшма корхонасида Британия технологияси асосида бир қатор янги маҳсулотлар – «Sharq» ялтироқ полиакрил бўёғи, «Белоснежная», «Восторг» лок-бўёқлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.
- «Shafaq tekstil» ўзбек-турк қўшма корхонасига 20 та янги дастгоҳ келтирилди. Шу асосда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.



ҲАМЗА ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК ОДИМЛАРИ



2010 йил — Баркамол авлод йили

ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ ҚАД РОСТЛАДИ

Фарзандларимизнинг билим олиб, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқдаки, туманда ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар яққол кўзга ташланади. Ҳамза меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи бунинг ёрқин мисолидир.

Замонавий тарзда қад ростлаб, барча керакли жиҳозлар билан таъминланган коллежда йигит-қизлар эндиликда умумий овқатланиши ташкил этиш, бухгалтерия, савдо агенти, туризм ва меҳмонхона хўжалиги – тўрт йўналиш бўйича тахсил олади. — Тез кунларда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган коллежимиз 615 ўринга мўлжалланган, — дейди касбий таълим бўйича директор ўринбосари Исмоил Худойкулов. — Тўрт қаватли бинонинг биринчи қаватида барча жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш участкалари жойлашган. Бу ўқувчиларнинг касб-хунар маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Кимё, физика, биология, компьютер, лингафон хоналари ҳам бугунги кун талабларига жавоб беради. 140 ўринли фаоллар зали, шинам буфет, спорт зали ва ёзги спорт майдончаси ўқувчи ва ўқувчилар ихтиёрида бўлади. Жорий йилда қўлига диплом олган ўқувчиларимизнинг 70 фоизга яқини ҳозирда ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаш-

ди. 21 нафар битирувчимиз олий ўқув юртига кириш истагида тест синовларини топширди. Битирувчиларни иш билан таъминлашда корхона, ташкилот ва муассасалар билан тузилган уч томонлама шартнома муҳим ўрин тутмоқда. Янги ўқув йилидан ўқувчилар сафига яна 300 нафар қўшилди. 21 нафар малакали ўқитувчи ва 12 нафар тажрибали ишлаб чиқариш усталаримиз уларнинг билим олиши, моҳир касб-хунар эгаси бўлиб этишиши йўлида хизматини аямайди. 2,7 миллиард сўм сарфланган кўркам мазкур ўқув маскани қад ростлашда

бош пудратчи «Қурилиш люкс сервис» масъулияти чекланган жамияти файрат-шихоатли ишчи-хизматчиларининг муносиб ҳиссаси бор. Ишбоши Эркин Рискибоевнинг таъкидлашича, қисқа фурсатда сифатли амалга оширилган ишлардан 120 нафардан зиёд бунёдкор ишторик этди. Сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланилиб, лойиҳада кўрсатилган барча ишлар удаланди. Айни кунларда пардозлаш, жиҳозлаш ҳамда ободонлаштириш юмушлари давом этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бунёдкорларнинг тажрибаси ўзига

яраша. Улар ўтган йилда Шайхонтоҳур sanoat колледжини фойдаланишга топширган бўлса, жорий йилда ҳамзаликларни хушнуд этмоқда. Албатта, келгусида ўқувчилар сафини 850 нафарга етказишга, уларга пухта билим бериш, малакали мутахассис қилиб этиштириш истагида бўлган коллеж жамоаси ва ўқувчи-ёшларнинг ҳам қувончлари чексиз. Барча қўлайликлар муҳайё этилган ўқув масканида таълим олиб, устозлардан сабоқ ўрганишнинг лашти ҳам ўзига яраша бўлади. Орзиқиб кутилган янги ўқув йилига эса саноқли кунлар қолди.

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, МАҲАЛЛАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Турар-жой мавзелари, маҳаллалар, қишлоқларда дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни чиқариб кетиш ишлари бажарилмоқда. Кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, ариқ-зовурлар ва лотоклар тозаланмоқда. Оқова сув тизимлари ва қудуқлар таъмирланиб, маҳаллалардаги болалар спорт майдончалари тартибга келтирилмоқда.

«Маҳалла куни» ҳафталиги аҳолининг бундай тadbирларда ҳамжиҳатлик ва бирдамлигини янада кучайтириш, маданий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Маҳаллаларимизда ободонлаштириш ишларига ҳамоҳанг тарзда ўтаётган «Футболимиз келажиги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам», «Маҳаллам тарихини ўрганаман» каби кўрик-танловлар халқимизнинг ислохотлар жараёнидаги фаоллигини янада ошириш, истиқлолимизнинг аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёшларимизнинг иқтидори ва салоҳиятини юксалтиришга муносиб улуш қўшиш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Мустақиллигимизнинг бу йилги байрами Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида нишонланаётган. Инсон ва унинг шаъни, кадр-қимматини эъзозлаш жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадига айланган. Бу эзгу анъанани ҳаётга илҳом қилиш маҳаллаларимиз фаолиятининг ҳам устувор йўналишини ташкил этади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида «Маҳалла» жамғармаси томонидан инсон манфаатларини муҳофазалаш, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тadbирларига хомийлар кўмағида 3,7 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Бир минг олти юздан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд ёш оилаларга қорамол ажратилди. Икки мингга яқин кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйларини ва бошқа тadbирларини ўтказишда кўмаклашилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида жисмоний имконияти чекланган ўттиз нафардан кўпроқ талаба ва ўқувчи-компьютер тақдим этилди, икки юз нафардан кўпроқ талабага «ZiyoNet» тармоғига улаштириш амалиёти ёрдам кўрсатилди. Бу ёшларимизнинг таълим олиш имкониятини янада кенгайтирди.

Маҳаллаларимизда байрамни юқори савияда нишонлашга йўналтирилган махсус дастурлар асосида иш олиб борилаётган. Байрам дастурларида халқимизнинг боқий урф-одат ва анъаналарини, бетақор мусикий санъатимизнинг ўзига хос хусусиятларини, мустақиллик туфайли эришилётган иқтисодий-ижтимоий ютуқлар, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрини кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган бундай тadbирларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорларнинг махсулотлари, уста-шоғирд анъаналари ва касаначилар фаолиятига оид кўргазмаларга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Ана шундай тadbирлардан бири пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалла гузарига бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар ва санъаткорлар иштирок этди. Тadbир доирасида «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Фуқаролар йиғинининг энг фаол яраштириш комиссияси», «Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» танловларининг туман босқичи ғолиблари аниқланди. Миллий либослар кўргазмаси ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури тadbирга янада фойз киритди.

Маҳалламизда ўндан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда, — дейди ўза муҳбирига «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсанали Тожиаҳмедов. — Уларнинг барчаси маҳалламизда ўтадиган турли маданий-маърифий тadbирлар, маросимларда фаол иштирок этади. Шу кунларда юртимиз бўйлаб давом этаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлғида ҳам халқимизнинг баҳамжиҳатлиги яққол намоён бўлмоқда. Аҳоли ҳар куни эрта саҳардан кўчалар, гузарлар, ҳовлилар, йўللар, ариқ-зовурларни тозалаб, чиқиндиларни белгиланган жойларга чиқариб ташлайди. Маҳалламиздаги болалар спорт майдончаси тартибга келтирилди. Бундай тadbирларда айниқса ёшларимиз фаоллик кўрсатаётгани қувонарли. 14-15 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарини ҳам ўзаро ҳамжиҳатликда ўтказимиз.

Б.ХИДИРОВА

Хорижий ҳамкорлар билан шерикликда амалга оширилаётган кўплаб янги лойиҳаларнинг самараси рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан ички ва ташқи бозорни таъминлашда ўзининг ифодасини топмоқда.

Ислохотлар оқимида

АРЗОН ВА ҚУЛАЙ

«Pokson Tashkent» ёпиқ турдаги қўшма корхона 2006 йилда Эрон билан ҳамкорликда ташкил толган. Бозорни ўрганиш, харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олиш асосида иш юритилаётган бу корхонада 100 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Иш сифати ва самарадорлигини таъминлаётган меҳнат ахли учун барча қўлайликлар яратилган. Ишчилар махсус кийим ва бепул сўт махсулотли билан таъминланади. Ишлаб чиқариш хусусида тўхталадиган бўлсак, корхонада замонавий технологиялар асосида беш хил тозалаш ва икки турдаги ювиш воситалари тайёрланади. — Махсулотларимиз ишлашга қўлай, четдан келтирилмайдиган ҳудди шундай товардан бирмунча арзон, сифати билан рақобатбардош, — дейди корхона директори Ҳасан Галхаки Мохсин. —

Замонавий технологияни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган «Bagi» ювиш ва тозалаш воситаларига харидорлар кўп. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 350 тоннадан зиёд махсулот тайёрланди. Йил охиригача имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга ошириш сазй-ҳаракатидамиз. Албатта, корхонани модернизация қилиш, янги технология линиялар ўрнатиш режалари ҳам бор. Шу асосда гелъ ювиш воситасини тайёрлаш йўлга қўйилди. Фақатгина ички бозор билан чекланиб қолмасдан, келгусида Афғонистон, Туркменистон давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилган. Корхонада айни пайтда янгича қадоқлаш усулларини қўлаш, махсулотнинг бозорбоплигини таъминлаш йўлидаги излашлар давом этмоқда.

Мустақиллик берган улугъ неъматлардан баҳраманд бўлаётганлар орасида «Тарновбоши» маҳалласи ахли ҳам бор. Қўни-қўшилларнинг ўзаро ахиллиги, яхши-ёмон кунларда елкадошлиги, ёшу қари ўртасида иззату ҳурматнинг муҳимлиги маҳалланинг кўркига айланганки, бундан кутлуғ маскан чирой очмоқда, ана шундай ободлик дилларга инмоқда, кўнгилларни яйратмоқда. — Маҳалламиз аҳолиси хусусида тўхталиш жоиз бўлса, улар 2160 нафарни ташкил этади, 364 та хонадонни 668 та оила бирлаштирган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Садриддин Давидов. — Истиқлол айёмига ҳозирлик давомида энг аввало ободликка, қўчалар тазалишига ва орасталигига эътибор қаратилди. Маҳалламизда 12 та катта-кичик кўчалар бўлиб, олтига кўчабоши сайланган. Улар ана шу юмушларнинг барчасига бош-қош. Маҳаллада оилавий шифохона, 230-мактаб жойлашган. Аҳоли саломатлиги, ёшлар таълим-тарбияси борасида улар билан маҳалла мустаҳкам алоқада. Учта сартарошхона, қатор озиқ-овқат дўконлари, маиший хизмат шохобчалари яшовчилар

Маҳаллаларимиз ободлиги, маҳалладошлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳар бир хонадондаги кўркамлигу фойз Истиқлол шарофати, кўнгиллардаги буюк неъмат ғуруридир.

учун алоҳида қўлайликлардан саналади.

Маҳаллада ўтказиланган турли тadbирлар аҳолининг маънавий-маъ-

композитор ва бастакорлар Тельман Ҳасанов, Мустафо Бафоев, тadbиркор аёллар Хожибеғим Урунова, Умида Тур-

ибораат бўлиб, тўю тантаналар файзли ўтишида ҳодимлар камарбаста, қўлайликлар етарли. Маҳалла фуқаролар йиғинида тажрибали инсонлар жамланганлиги ишдаги баракада, хонадонлардаги хотиржамликда, тadbирлар файзида яққол кўринади. Барча ишларда оқсоқолга яқиндан кўмак бераётган Тамара Эргашева, Муҳтабар Турсунова, Сардор Юсупов, Бахтиёр Умаров, Ориф Расулов, Раиса Пушкарвалар маҳалладошлари учун жон куйдиради, улар билан бамааслаҳат иш юритади. — Тайёргарлик ишлари қизгин кетаётган масканимизга ташриф буюрсангиз, — дейди оқсоқол, — ибратли оилалар ҳурматда, оловқалб ёшларимиз хизматда бўлади. Кутлуғ кўни мана шундай кўтаринчи кутиб олиш бизда анъана.

Маҳаллам — ота-онани ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН «ТАРНОВБОШИ»

рифий тарбиясида, ёшларга ватанпарварлик руҳини синдиришда, хотин-қизлар саломатлигида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилган «Соғлом она — соғлом фарзанд», «Гивандлик — аср вабоси», «Ёшлар — келажигимиз» мавзусидаги мулоқотлар барчада яхши таассурот қолдирмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маҳаллада ёшлар ибрат бўлган инсонлар кўпчилигини ташкил этади. Таниқли

диохуновалар шулар жумласидандир. Маҳалла гузар ва идорасининг қайта таъмирлангани ҳам яқинлашиб келаётган Мустақил байрамга ажойиб совға бўлди. Бу борада тadbиркор Аваз Мадаминовнинг хизматини таъкидлаш лозим. Унинг сазй-ҳаракати билан қайта чирой очган «Янгиобод» тантаналар уйи нафақат маҳалла ахли, балки ҳамшахарларимизга ҳам ажойиб тўхфа бўлди. Мазкур маскан 450 ўринли катта ва 180 ўринли кичик заллардан

Саҳифа материалларини Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади Козим Улмасов олган суратлар

Салоҳ СУЛТОН (Кувейт):

– Кўплаб мамлакатларда бўлганман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун Ўзбекистонни бутун дунё яши билди. Бу ўринда ўзбек заминининг гўзаллиги ва саховатининга эмас, бутун жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни назарда тутмоқдаман. Сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётди. Буни юртингизда қад ростлаётган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонга, гал келганимда, турли меҳмонхонага жойлашаман. Бу гал «Марказий» меҳмонхонасини танладим.

Хар сафар мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва обдонлаштириш ишларидан чин дилдан қувонаман. Бу заминда яшаб ўтган юксак тафаккур соҳиблари, буюк алломалар қолдирган илмий-маънавий, ноёб ва мўътабар мерос авайлаб-асраб келинаётганига, уларни ўрганиш борасидаги ишларга ҳавас қилса арзийди.

Янис КРУМИНЬШ (Латвия):

– Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақда тараққий этмоқда. Мамлакатингиз улкан салоҳиятга эга ва шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон билан ҳамкор-

Ўзбекистон тарихий обидалари, халқининг маданияти ва анъаналари, гўзал табияти ю замонавий шаҳарлари билан кўплаб мамлакатлардан сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

ликни кенгайтиришга интилоқда. Латвия ҳам мамла-

ислохотлар самаралари, деб биламан.

ри (Ўзбекистон мисолида) мавзудаги халқаро илмий-

ўзига хос меъморий ечими билан ҳам эътиборимни тортди.

Баҳия МАЛАКАР хоним (Малайзия):

– Ўзбекистондек гўзал мамлакатга келганимдан жуда бахтиёрман. Сафар асносида юртингизда барча соҳаларда, жумладан, тўқимачилик соҳасидаги ислохотлар туфайли эришилаётган юксак самараларнинг гувоҳи бўлдим.

Шуни ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон мода ва дизайн соҳасининг раванг топиши бўйича дунёда етакчи давлатлар орасидан мустаҳкам жой олган. Чунки юртингизда бу соҳани ривожлантириш учун барча зарур шароит – иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, ажойиб ғояларга эга ёш кадрлар мавжуд. Энг муҳими, бу заминда юксак фазилатли, сурати ҳам, сийрати ҳам гўзати инсонлар яшайди.

Юртингизда келишимдан асосий мақсад тўқимачилик ва мода соҳасида фаолият юритаётган корхоналар билан танишиш ҳамда савдо шартномалари имзолашдан иборат. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишонаман.

Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

МАМЛАКАТИНГИЗДА ОЛИЖАНОБ ИНСОНЛАР ЯШАЙДИ

катингиз билан ҳамкорликни юксак кадрлашни билман. Ўзбекистонда самарали банк тизими шаклланган. Шу боис молиявий муассасалар жуда фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Тошкент том маънода гуллар шаҳри. Пойтахтингиздаги гўзал майдонлар, хиёбонлар, кенг ва раван кўчалару мухташам бинолар атрофини қуршаб турган гулзорларни кўриб, бунга тўла амин бўлдим. Тошкент, айна ёз палласи бўлишига қарамай, ям-яшил. Бу ерда гулчиликнинг истиқболи жуда порлоқ.

Мамлакатингиздаги тинчликка, осойишталик ва фаровонликка ҳавас қилса арзийди. Бу юртингизда демократияни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли

Аман АГАРВАЛ (Хиндистон):

– Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларнинг етакчи фирма ва компаниялари юртингизга тўғридан-тўғри сармоа кириштишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётди. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга талаб ортиб бораётгани ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, саноат жадал тараққий этаётгани ва халқ фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Пойтахтингизда шу йил борада ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастури»нинг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари

амалий конференцияда ҳамда Осиё тараққий бандки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этдим. Ўзбекистонда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқарувчиларнинг қўллаб-қувватланиши иқтисодий ўсишнинг юқори суратларини сақлаб қолиш имконини берди.

Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, унинг экотуризм, маърифий ва жисмоний саёҳат каби турларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги Тошкент энг хушманзара шаҳарлардан бири саналади. Бу ерда замонавий ва юқори сифатли хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар жуда кўп. «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида тўхтадим. Бу мажмуа маҳобати,

нинг ўтган даврида уларнинг самарали фаолияти натижасида воёга етмаганлар ва муқаддам судланган шахслар томонидан жиноят содир этилиши кескин камайди. Жамоат жойларида тартиб-интизом тобора яхшиланмоқда. Йўл ҳаракати соҳасида хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл-патруль хизмати назорати янада кучайтирилди.

Олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, ички ишлар идоралари бўлиминлари фаолияти ҳамда соҳа хизматларининг ҳамкорлиги яхши ташкил этилаётгани, биргаликдаги тадбирлар режаси кўнглидагидек ба-жарилаётгани пойтахтимизда осудаликнинг омили бўлиш билан бирга жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига хизмат қилмоқда.

Фуқароларнинг ҳушёрлигини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда, корхона, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларида огоҳлик чорловчи тадбирлар, «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуда учрашув ва суҳбатлар ташкил этилаётгани ҳам, деб хабар беради ЎЗА, муваффақиятлар омили бўлаётди. Юртдошларимиз тинчлик ва осойишталикни сақлаш нафақат тегишли идоралар ходимлари, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини яхши англаб етаётгани қувонардир. Зеро, ҳар бир киши огоҳ ва хушёр бўлса, ўз уйи, маҳалласи, Ватанини асраган бўлади.

Норгул АБДУРАИМОВА

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ АСРАШ — ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ

Мамлакатимизда ҳукм сураётган меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳити тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди. Элу юртининг шодиёна кунларида бу неъматнинг қадри янада аққолроқ намоён бўлади. Юртдошларимиз энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми яқинлашаётган шу кунларда кўнглида шукрона билан унга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жойларда, хусусан маҳаллаларда ўтказилаётган кенг қамровли чора-тадбирларда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Тошкент шаҳрида ҳам байрамга тайёргарлик кўриш ишлари юқори савияда ташкил этилган.

Байрам кунлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар бошлаб юборилган. Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнгин хавфсизлигини

таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари кенг жамоатчилик ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасидан маълум қилишларича, пойтахтимизнинг ҳар бир гўшаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли «Тозалаш» тадбири ушқоқлик билан давом эттирилмоқда. Тадбир давомида аниқланаётган айрим камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётди. Изчиллик билан ўтказиладиган тезкор-профилактика ишлари туфайли бир қатор

жиноятлар фож этилди. Паспорт тизими қоидаларига амал қилинишни таъминлаш борасида изчил рейдлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда қонунбузарликка йўл қўйган шахслар аниқланиб, уларнинг айримлари турли жиноятларга алоқадорлиги маълум бўлган ва тегишли чоралар кўрилган.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осойишталикнинг муҳим омилларидандир. Шу боис аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари янада кучайтирилди. Бу борада тарғибот-тушунтириш ишлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда соҳа ходимлари аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда хонадонлар, ташкилот ва корхоналарда текширишлар ўтказилди. Назорат-тектирувлар давомида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида 11 миңдан зиёд камчилик аниқланиб, бартараф этилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳаллаларда фаолият кўрсатган профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Жорий йил-

Айни кунларда «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Юрт келажаги баркамол авлод қўлида» шиори остида мактаб қошидаги оромгоҳларда «Камолот» кўни» тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

ди лойиҳа ташкилотчиси Баҳодир Зиёвиддинов. – Бу ерда ўтказилган «Кувноқ болалар бекати», «Расмларда Ватаним мадҳи», «Соғлом турмуш тарзини танладим», «Шахмат-шашка фестивали», «Кувноқ эстафети», «Қизлар марафони» каби бир-бирини такрорламас янги тадбирларда оромгоҳ тарбияланувчилари билан бир қаторда уларнинг тарбиячилари ҳам фаол қатнашди.

Тадбир якунида энг фаол ўғил-қизлар ёрлик ва соғвалар билан тақдирланди. Айтиб ўтиш жоизки, оромгоҳ маъмуриятига ибратли ишлари учун махсус диплом топширилди.

«Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида 116-мактаб қошида (Учтепа тумани)ги «Парвоз» оромгоҳида

ҳам турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Оромгоҳ ҳудудини ҳақиқий болалар май-ларига айлантиришга эришган мактаб маъмуриятига ҳам ҳаракат томонидан миннатдорчилик билдирилган. Бу ерда ташкил қилинган алоҳида богда ҳайвонот бурчагидан тортиб, турли хилдаги аттракцион, спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси болаларнинг мазмунли дам олишига хизмат қилмоқда.

Ушбу оромгоҳда ўтказилган «Камолот» кўни» тадбирида «Истиқлол умидлари» болалар гуруҳи томонидан концерт дастури намойиш этилди. Болалонларга тақдим этилган ўқув қуроллари уларнинг қувончига қувонч улашди.

Шоира МУХАМЕДОВА

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ

Юртимизда энг улуг, энг азиз айём Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш, байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча гўшаларида байрам таррадууд қизгин олиб борилаётди.

Байрам билан қутлаш, айниқса ёш авлод қалби ва онига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беҳиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ томонидан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда.

«Обод Ватаним», «Биз чекишга қаршимиз», «Одам савдосининг олдини олиш», «Уч авлод учрашуви», «Мустақиллик ёшларимиз», «Биз тинчликсевар юрт фарзандимиз», «Камалак» аъсосман сингари тадбирлар ушқоқлик билан ўтмоқда.

«Туркистон-пресс»

Тараддуд

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНГАН КҮЙ ВА ҚҶШИҚЛАР

Муסיқа инсон руҳиятига ором бағишлайдиган, унинг ҳаёлотини юксак чўққиларга чорлайдиган, кўнглига сокинлик, жўшқинлик, завқ ва шавқ улашадиган сирли ва сеҳрли наводир. Айнан куй ва қўшиқ, жозибадор рақслар кишилар маънавиятининг юксалишида, онг ва тафаккурининг янада теранлашувида, халқлар дўстлиги ва биродарлигини мустаҳкамлашда муҳим омили саналади.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллик шодиёнасига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам шу хусусда сўз борди.

– Куй ва қўшиқ халқлар ва элатлар бирлигини, аҳиллигини, осойишта-тотув ҳаётини тараннум этувчи, инсонлар қалбига бир олам қувонч ва ором бағишловчи асосий восита ҳисобланади, – дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Бастакорлар жамоаси ҳам юртимизнинг ҳар бир бир байрамини алоҳида эҳтиром билан қутиб олади. Мустақиллик байрамининг энг улуг ва азиз байрам сифатида нишонланиши боис тайёргарлик ишлари жуда эрта бошланади. Бастакорларимиз янги-янги қўшиқлар устида изланишади ва янги куйлар яратишади. Айни пайтда Анор Назаров, Ҳабибулла Раҳимов, Ойдин Абдуллаева, Баҳрулло Лутфиллаев, Алишер Икромов, Хуршида Ҳасанова, Фаттоҳ Назаров каби бастакорларимиз ўзларининг янги асарлари билан байрам тантаналарига алоҳида кўтаринки кайфият бағишлаш борасида тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар яратётган муסיқа асарлари улуг байрамга қутлуғ тўнади. Ҳар бир куй ва қўшиқ замирида Ватан муқаддаслиги, ягоналиги, юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, оилалар осойишталиги, ёшларнинг бахтли келажаги тараннум этилади. Президентимиз раҳнамолигида муסיқа соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса ёш иқтидорларни кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар эртанги куннинг ёрқин юлдузларини кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Республикаимиз миқёсида ўтказиладиган ҳар бир танлов ва фестиваллар негизда ҳам ёш авлодининг порлоқ ва истиқболли келажаги мужассамланган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси истиқлолимиз шодиёналарига катта тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда яратилаётган муסיқа асарлари Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги тантаналарида муҳлислар эътиборига ҳавола қилинади. Улар орасида «Истиқлолим кўши», «Юртим мадҳи», «Ватан», «Тўйга тўёна», «Баркамол авлодимиз», «Соғинч», «Она дёйрим», «Муҳаббатнинг ёлқини» каби ўнлаб янги қўшиқлар эл севган хонадаларимиз томонидан қуйланади.

Тадбирда сўзга чиққан санъат арбоби Ҳабибулла Раҳимов ҳам хонадалар ва бастакорлар ҳамкорлигида яратилаётган куй ва қўшиқларнинг юксак савияси, муסיқа ва матннинг мутаносиблиги ҳақида фикр билдириб ўтди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

«НАВҚИРОН ЎЗБЕКИСТОН» ФЕСТИВАЛИ

16-23 август кунлари пойтахтимизда «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий фестивал бўлиб ўтади.

Юртимизда истеъдод ва иқтидорларни ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ҳаётга таъбиқ қилинаётган лойиҳалар таҳсинга сазовор. 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Навқирон Ўзбекистон» фестивали шулар жумласидандир. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ижодкорлар қатнашади. Шуниси эътиборлики, уларнинг асарларида анъанавий ва замонавий санъатнинг ўзаро уйғунлиги яққол акс этади.

Фестиваль доирасида, деб хабар беради «Туркистон-пресс», соҳа мутахассислари томонидан маҳорат дарслари, ўқув машғулотлари, қизқарли учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Айтиш жоизки, бу сингари фестиваллар ёшлар онгу шуурида Ватанга муҳаббат ва садоқат, урф-одат ва анъаналаримизга бўлган ҳурматни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА

«AKTIV INVEST» кредит уюшмаси ТУГАТИЛАДИ.

Барча давво ва талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-6, 88-уй, 50-квартира манзили бўйича қабул қилинади.



Сўлим оромгоҳларда «ҚУЁШЖОН»ДА ҚИЗИҚАРЛИ ТАНЛОВЛАР

Бугунги кунда 36 та мактаб қошидаги оромгоҳларда ва 150 дан ортқ мактаб ҳудудида ташкил этилган дам олиш майдончаларида юзлаб ўқувчилар ёзги таътил даври мазмунли ўтказмоқда. Ёшларнинг чинакам ишончи ва суянчига айланган «Камолот» болажонларни ранг-баранг тадбирлар

орқали хурсанд қилмоқда. Ҳаракатнинг шаҳар бўлими ташаббуси билан Бектемир туманидаги 293-мактаб қошидаги «Қуёшжон» оромгоҳида «Камолот» кўни» тадбири бўлиб ўтди. – «Қуёшжон»да 60 дан ортқ турли миллат вакилларидан ташкил топган болажонлар дам олишмоқда, – дей-



Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган Қорақалпоғистон расмларининг «Хур ўлка ранглари» деб номланган кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

ХУР ЎЛКА РАНГЛАРИ

Кўргазмада ўттиздан ортиқ расмнинг рангас-вир, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда. Асарлар мавзулари кўлами кенг бўлиб, ранглarning тиниқлиги, мазмун ва мушоадага бойлиги билан киши диққатини тортади. С.Бойбосиновнинг фалсафий ёндошилган чизмалари, С.Кутлумуратов ва И.Жаксимаевнинг турли табиат манзаралари, Орол денгизи мавзусини акс эттирган У.Сапаров ва Ф.Мадгазин асарлари шулар жумласидан.

Кўргазмадан 7-8-синф ўқувчилари томонидан яратилган амалий санъат намуналари — кашта, қуроқлар ва бош кийимлар ҳам

ўрин олган. Асарларнинг ярмидан кўпри ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими фондига тегишли бўлиб, уларнинг услубий жиҳатдан хилма-хиллигини, ранг ва шаклларнинг доимий экспериментал тарзда намоён бўлишини кузатиш мумкин. Кўргазмада расмларнинг бир қанча авлод вакиллари иштирок этмоқда. Академик Ж.Кутлумуратовнинг ҳайкалтарошлик асарлари моҳияти шу халқ билан чамбарчас боғлиқ. Ф.Мадгазин ўтган асрнинг 40-йилларида ижодини бошлаган ва ўз даврининг ёрқин намоёндаларидан бири. Кекса авлод вакилларида А.Еримбетов, М.Ишанов, И.Алибеков,

Б.Серекеев, И.Жаксимаев, Ж.Лепесов, М.Кудайбергенов, В.Жапаров, У.Сапаров, ўрта авлод вакиллари — Б.Тажмуратов, Г.Абдурахманова, С.Байбосинов, Б.Айтмуратов, Ю.Атажанов, А.Ражапов ижодларида рангас-вирнинг бир қанча мактаблари намоён бўлган. Айтиш жоизки, қорақалпоқ мактабининг энг ёш вакилларида Р.Асқаров Италияда тахсил олганлиги билан бир қаторда халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Кўргазмада ижодкорларнинг ўз юртига бўлган битмас-туганмас меҳр-муҳаббати, садоқати яққол акс этган.

Дилором ИКРОМОВА



Гурури баланд, шижоати юксак ёшлар, даврангиз ҳамisha кенг бўлсин.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Тангри билур ҳар
кишининг нийятин,
Нийятига лойиқ этар қисматин.

Одамига хуш нимадур
лутфу жуд.

Ҳар кишиким бўлди
карам пешаси,
Жонни сарф этса йўқ андешаси.

Кимга карам бўлса
азалдин насиб,
Андин эмас жуду
саховат гариб.

Кимки, саховатдин
эрур бахраманд,
Бўлмади хастадилу дардманд.

Ўзгачадур аҳли
карамнинг иши,
Лутфу карамдир иши
ёзу қиши.

Кимки саховат била
одат қилур,
Эрта-кеча касби саодат қилур.

Ҳар кишининг ҳиммат
эрур раҳбари,
Халқи жаҳоннинг бўлур
ул сарвари.

Кимдаки бор лутфу
сахову карам,
То баабод бўлмагай оди адам.

Боби муруватдин эмас
жон дариг.

Номи карим дунёда
боқий қолур,
Файри карам барчаси
фоний бўлур.

Ҳар ким этар дунёда
яхши маош,
Лутфу карам бирла бўлур
оти фош.

Кимки, тамаъ риштасина
бастадур,
Дарди қабоҳат била
побастадур.

(«Маҳобҳорат» дostonидан)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Сингапур — 2010

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!

Ўзбекистон спорт делегацияси 14-26 август кунлари ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун 9 август кунини Сингапурга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида спортчиларимизни Сингапурга тантанили кузатиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш, ўғил-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароитлар яратишга катта эътибор берилганлигини алоҳида таъкидлади.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиададан таркиб топган уч босқичли узлуксиз спорт ўйинлари соғлом авлод тарбиясининг асосий омилларидан бири бўлиши билан бирга, профессионал спортчиларни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Илк маротаба ўтказилаётган ўсмирлар Олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган истеъдодли ёшларнинг аксарияти дунёда ўшаша бўлмаган ана шу уч босқичли узлуксиз спорт тизими мусобақаларида кашф этилган спортчилардир.

— Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда ўз юрти шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг эзгу орзусидир, — дейди бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати кумуш медал соҳибдори Аҳмадjon Мамажонов. — Сингапурда ўтказилган мусобақаларда фақат юқори ўринлар учун курашамиз, бизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатган Юртбошимиз ҳамда халқимиз ишончини албатта оқлаймиз.

— Ўзбекистонлик спортчилар, жумладан, кураш усталарининг нуфузли мусобақаларда жумлауға кўтарилиши яхши аънамага айланган, — дейди ЎзА муҳбирига юнон-рум кураши бўйича мураббий Олим Қурбонов. — Катта спорт бўсағасида турган навқирон спортчиларимиз ҳам Сингапурда бўладиган беллашуларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 19 йиллигига муносиб тўёна билан қайтишди.

Сингапурда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган уч минг нафардан зиёд 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар спортнинг ўттиз бир тури бўйича 184 медаллар жамланмаси учун ўзаро куч синашди. Мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 21 нафар иктидорли спортчимиз бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, таэквондо, енгил атлетика, дзюдо, бокс, стол тенниси, ўқ отиш, сузиш, оғир атлетика, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича беллашуларда иштирок этади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Футбол

ЖАМОАМИЗ АНГЛИЯГА БОРАДИ

Яхши маълумки, 2012 йилда Лондон шаҳрида ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этишни мақсад қилиб қўйган Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юборган.

Жорий йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойда Осиё ўйинлари мусобақалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирнинг футбол беллашуларидан Ватанимиз шарафини Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳимоя қилади. Осиё ўйинларидаги му-

ваффақиятли иштироки Аҳмад Убайдуллаев шогирдларига руҳий далда бўлиши шубҳасиз.

Шу боис ҳам Олимпия терма жамоамиз назорат-ўртоқлик учрашуларидан омадини синаб кўришга зўр бермоқда. Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати хабарига кўра, яқин кунларда Англияда шу давлат ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви уюштирилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Турфа олам

КУМУШ ВА СУЯК ИГНАЛАР

Ҳар куни рўзғорда керак бўлиб турадиган игнанинг келиб чиқишини ҳамма ҳам биллавермас керак. Қадимда ҳам игна турли ишларда кенг қўлланилган. Аждодларимиз теридан ўзига ёпинчиғлар тикишганида ҳайвон ёки балиқ суюқидан фойдаланган. Суюқлар қадимда игна вазифасини ўтаган.

Кейинчалик суюқнинг тўмтоқ томони тош билан тешилиб, ҳозирги игнанинг илк кўри-нишлари бўлган суюқ-игналар қўлланила бошлаган. Россияда кумуш игналар ҳам ишлаб чиқарилган. Европада илк игналарни араб савдогарлари олиб келган. Кейинчалик Европада ҳам игна ишлаб чи-

қариш йўлга қўйилган. Биринчи ишлаб чиқарилган игналарнинг орт томонида тешиги бўлмаган, орқа томон қайтарилиб, ипни тутиб турадиган ҳолга келтирилган холос. Шундай бўлсада, игналар рўзғорда энг керакли асбоб сифатида қўлланилган.

КЎЗОЙНАК ТАРИХИДАН

Қўлда кўтарилиб юриладиган, камдан кам ҳолларда махсус туққич орқали кўзга яқинлаштириб, зарур нарсаларни катталаштириб кўриш мумкин бўлган кўзойнак ўн учинчи асрда Италияда кашф этилиб, қўлланила бошлаган. Кўзойнакнинг бугунги кўпчилик тақадиган ҳолга келгунга қадар унинг бир неча тур-

лари ишлаб чиқарилган. Узун бандга ўрнатилган икки шиша кўздан иборат кўзойнакни ҳам одамлар кўтариб юришган ва керак бўлган дамларда банддан ушлаб ўқилиши лозим бўлган матнга тутилган.

Кейинчалик қайишли, чаккага қистирилган, бурунга қистириш мумкин бўлган, ҳатто шляпа билан биргалликда кийиладиган кўзойнаклар ишлаб чиқарилган ва кўзи хиралашганлар улардан фойдалана бошлаган. Лекин барчаси одамларга ноқулайлик келтирган. Кўзойнак ишлаб чиқарувчилар доимо изланишда бўлган. Сўнг энг қулай, қулоққа тақиладиган ишлаб чиқарилган ва бундай кўзойнаклар бугунги кунга қадар қўлланилиб келмоқда.

Тоҳир ИБРАГИМОВ тайёрлаган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. ФИБ М.Улугбек туманлараро судининг 17.11.2009 йилдаги №1-5324/09 ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида жойлашган, уч хонали, умумий майдони 222 кв.м. бўлган 39-«А»-уй. Бошланғич баҳоси — 118 500 000 сўм.

2. ФИБ М.Улугбек туманлараро судининг 19.04.2010 йилдаги №1-6668/09 ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Қонибодом кўчасида жойлашган, беш хонали, умумий майдони 129,14кв.м. бўлган 47-уй. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 21 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар 2010 йил 21 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 12 октябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан туман суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Шунингдек, Собир Раҳимов тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшом» газетасининг 14.07.2010 йилдаги 135-сон ва «Солиқ ва Божхона» газетасининг 15.07.2010 йилдаги 27-сонидан чоп этилган хабарномалар билан «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖнинг аукцион савдоларида аукцион савдосига чиқарилган, С.Раҳимов тумани А.Дониш кўчаси, 107-уйда жойлашган «Файрат гузари» МЧЖга тегишли савдо-маиший бинолар аукцион савдоларида олинганлигини маълум қиламиз. Савдодан олишга асос: С.Раҳимов тумани СИБнинг 05.08.2010 йилдаги 12156/24-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65, факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба

ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот

бошқармасида 02-1-рақам

билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,

офсет усулида босилади.

2765 нусxada босилади.

Кўзга ёниши А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтанти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5